

Аму-Сурхон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Аму-Сурхон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси (кейинги ўринларда – Ҳавза бошқармаси)нинг мақоми, асосий вазифалари, ва функцияларини, ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлигини, фаолиятини ташкил этиш ҳамда ҳисобот бериш тартибини, шунингдек, бошқарма раҳбариятининг функционал вазифалари ва масъулиятини белгилайди.

2. Ҳавза бошқармаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 апрелдаги “Сув ресурсларидан фойдаланиш соҳасида давлат бошқаруви ва назорат тизимини янада такомиллаштириш ҳамда сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6200-сонли Фармони ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5055-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 17 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 573-сонли қарори асосида ташкил этилган.

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 1 мартдаги “Қуйи бўғинда сув ресурсларини бошқаришни такомиллаштириш ҳамда сув истеъмолчилари орасидаги муносабатларни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-145-сонли қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 19 апрелдаги “Қуйи бўғинда сув ресурсларини бошқариш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 196-сонли қарорига мувофиқ қайта ишлаб чиқилган ҳамда қўшимча ва ўзгартиришлар киритилган.

3. Ҳавза бошқармаси сув ресурсларини бошқариш, сувларнинг ҳисоби, ҳисоботи ва балансини шакллантириш соҳасида ягона сиёсатни амалга ошириш, шунингдек, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш, сувларнинг зарарли таъсирининг олдини олиш ва бартараф этиш соҳасида давлат органлари ва бошқа ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Сурхондарё вилоятида ягона давлат органи ҳисобланади.

4. Ҳавза бошқармаси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги (кейинги ўринларда – вазирлик)га бўйсунди.

5. Ҳавза бошқармаси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг Ҳайъат қарорлари ва буйруқларига, шунингдек, ушбу Низомга ва бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

6. Ҳавза бошқармаси ўз фаолиятини давлат бошқаруви органлари ва бошқа ташкилотлар ҳамда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари билан ҳамкорликда амалга оширади.

7. Ҳавза бошқармасининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилинган

қарорлари давлат бошқаруви органлари ва бошқа ташкилотлар ҳамда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек, фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурийдир.

8. Ҳавза бошқармаси ва унинг таркибига кирадиган ташкилотлар юридик шахс ҳисобланади, улар Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрга ва бланкаларга, мустақил балансга, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ғазначилигида шахсий ғазна ҳисобварақларига, банкларда ҳисобварақларига эгадир.

9. Ҳавза бошқармасининг расмий номланиши:

а) давлат тилида:

тўлиқ – Аму-Сурхон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси, қисқартирилган номи – Аму-Сурхон ИТҲБ;

б) рус тилида:

тўлиқ – Бассейновое управление ирригационных систем Аму-Сурханский, қисқартирилган номи – Аму-Сурхан БУИС;

в) инглиз тилида:

тўлиқ – Amu-Surxon Irrigation Systems Basin Department, қисқартилган номи – Amu-Surxon ISBD.

10. Ҳавза бошқармасининг жойлашган манзили (почта манзили): 190100, Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, М.Каххор кўчаси, 19-уй.

2-боб. Ҳавза бошқармасининг тузилмаси

11. Ҳавза бошқармаси тузилмасига қуйидагилар кирadi:

Ҳавза бошқармасининг марказий аппарати;

Ҳавза бошқармаси ҳузуридаги:

Насос станциялари ва энергетика бошқармаси;

Мелиоратив экспедиция;

“Аму-Занг” ирригация тизими бошқармаси;

“Сурхон-Шеробод” ирригация тизими бошқармаси;

“Тўполонг-Қоратоғ” ирригация тизими бошқармаси;

“Сурхондарё” магистрал тизими бошқармаси;

Ангор тумани ирригация бўлими;

Бандихон тумани ирригация бўлими;

Бойсун тумани ирригация бўлими;

Денов тумани ирригация бўлими;

Жаркўрғон тумани ирригация бўлими;

Қизириқ тумани ирригация бўлими;

Қумкўрғон тумани ирригация бўлими;

Музробод тумани ирригация бўлими;

Олтинсой тумани ирригация бўлими;

Сариосиё тумани ирригация бўлими;

Термиз тумани ирригация бўлими;

Узун тумани ирригация бўлими;

Шеробод тумани ирригация бўлими;

Шўрчи тумани ирригация бўлими.

3-боб. Ҳавза бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг асосий вазифалари ва функциялари

1-§. Ҳавза бошқармасининг асосий вазифа ва функциялари

12. Ҳавза бошқармасининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат: вазирликка юклатилган вазифалар ва функциялар самарали бажарилишини таъминлашда иштирок этиш;

Сурхондарё вилоятида сув ресурсларини бошқариш соҳасида ягона сиёсатни амалга ошириш, шунингдек, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш, сувларнинг зарарли таъсирини олдини олиш ва тугатиш соҳасида давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари ва бошқа ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш;

вилоятда иқтисодиёт тармоқларини сув ресурслари билан барқарор ва оқилона таъминлаш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва барқарорлигини таъминлаш чораларини кўриш;

вилоятда ирригация ва мелиорация тизимлари, сув омборлари, насос станциялари ва бошқа сув хўжалиги ва гидротехника иншоотларининг ишончли ишлашини таъминлаш, йирик ва алоҳида муҳим сув хўжалиги объектларини муҳофаза қилишни ташкил этиш;

соҳага хорижий инвестициялар, грантлар ва техник ёрдамларни жалб этиш чораларини кўриш, лойиҳаларни бошқаришга мувофиқ улардан самарали фойдаланишни таъминлаш;

сув ресурсларини бошқаришнинг тамойиллари ва тизимини такомиллаштириш, сувдан тежамли ва оқилона фойдаланишни таъминлаш, ирригацияни ривожлантириш ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сув хўжалиги объектларини модернизация қилиш чораларини кўриш;

сув истеъмолчиларининг сув ресурсларидан оқилона ва тежамкор фойдаланиш борасидаги жавобгарлигини кучайтириш, сувдан фойдаланиш маданияти даражасини ошириш;

сув хўжалиги соҳасига илм-фан ютуқларини, сувни тежовчи замонавий технологиялар ва илғор тажрибаларни, сув хўжалиги ва сувдан фойдаланиш тизимини бошқаришнинг инновацион усулларини жорий қилиш;

сув хўжалиги объектларидан фойдаланишда давлат-хусусий шериклик механизмлари ва аутсорсингни жорий қилишда иштирок этиш;

сув ресурслари ва сув хўжалиги объектларини бошқаришни рақамли технологиялар асосида амалга оширишни ташкил этиш;

сув хўжалиги соҳасидаги мутахассисларнинг малакасини ошириш тизимини ташкил этиш, сув хўжалиги ташкилотлари билан таълим ва илмий муассасалар ўртасидаги интеграцияни мустаҳкамлаш, илм-фан ютуқларини амалиётга жорий этиш чораларини кўриш;

соҳани ривожлантириш учун маҳаллий бюджетдан ажратилган маблағлардан мақсадли ва самарали сарфланишини таъминлаш ҳамда тизимли назорат ўрнатиш.

ҳудудий бўлинмалар фаолиятини назорат қилиш.

13. Ҳавза бошқармаси ўзига юклатилган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширади:

сув хўжалиги соҳасида давлат сиёсатининг асосий йўналишларини ривожлантириш механизмлари ва стратегияси амалга оширилишини таъминлайди;

сув хўжалиги соҳасини ривожлантириш бўйича тармоқ ва минтақавий дастурлар самарали амалга оширилишини таъминлайди;

вазирлик буйруқлари ва Ҳайъати қарорларини бажариш бўйича ишларни ташкил этади;

халқаро молия институтлари ва хорижий давлатларнинг инвестициялари, имтиёзли кредитлари, грантлари ва техник ёрдамларини жалб этишга кўмаклашади, инвестиция лойиҳаларининг ўз вақтида ва самарали амалга оширилишини таъминлайди;

вазирликка сув хўжалиги соҳасида халқаро ҳамкорликнинг устувор йўналишлари бўйича таклифлар киритади ҳамда уларни амалга ошириш бўйича ишларни ташкил қилади;

сув ресурсларини интеграциялашган бошқариш ва улардан оқилона фойдаланишни, сувни бошқариш самарадорлигини оширишни, сувдан фойдаланиш ва сув истеъмолининг инновацион технологиялари ва механизмларини фаол жорий этишни таъминлайди;

сув хўжалиги махсус хизматини ривожлантиришда услубий ва амалий ёрдам кўрсатади, сув хўжалиги махсус хизматининг сув хўжалиги объектлари техник ҳолати, уларни таъмирлаш ва тиклаш ишлари бўйича мониторинг олиб боради;

ер усти сув ресурсларини ҳавза тамойили асосида бошқаришни амалга оширади;

ирригацияни ривожлантириш ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича тармоқ ва ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда қатнашади;

ирригация ва мелиорация тизимлари, насос станциялари, сув омборлари ва бошқа давлат сув хўжалиги объектларидан самарали ҳамда ишончли фойдаланишни ташкил қилади;

сув ресурсларини ҳисобга олиш ва ҳисоботи юритилишини ташкил этади, давлат сув кадастрининг “Сувдан фойдаланиш” бўлимини юритишда иштирок этади;

суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати, суғориш ва коллектор-дренаж сувларининг сифати мониторингини юритади;

сув ресурслари прогнозини таҳлил қилади ва ирригация тизимлари, туманлар ва иқтисодиёт тармоқлари бўйича сув олиш лимитларини белгиланган тартибда тасдиқлайди, сувдан фойдаланувчилар ва махсус хизматнинг сувдан тежаб фойдаланганликлари учун рағбатлантириш тўғрисида таклифлар киритади;

сув хўжалиги махсус хизматига сувдан фойдаланиш ва сув етказиб бериш ва бошқа хизматларни кўрсатиш бўйича шартномаларни тузиш, уларнинг суғориш тармоқларини сувни бошқариш ва ҳисобга олиш воситалари билан жиҳозлаш ишларининг мониторингини юритади;

сув хўжалиги инфратузилмасини ривожлантириш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича концепциялар, стратегиялар ва комплекс чоратадбирларни, шунингдек, қонунчилик ҳужжатларини ишлаб чиқишда иштирок этади;

ҳудудий бўлинма, идоравий мансуб ташкилотлар раҳбар ва мутахассислари, шу жумладан, сув хўжалиги махсус хизмати раҳбарлари ва мутахассисларининг малакасини оширишни белгиланган тартибда ташкил қилади;

ҳудудий бўлинма ва идоравий мансуб ташкилотларда сув хўжалиги соҳасидаги олий таълим ва профессионал таълим муассасалари билан талабалар ва ўқувчиларнинг ўқув-танишиш ҳамда ўқув-ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этишда ҳамкорлик қилади;

идоравий мансуб ташкилотларга кадрлар билан ишлашни такомиллаштириш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этишда амалий ёрдам беради;

сув хўжалиги объектларидан фойдаланишда давлат-хусусий шериклик механизми ва ауцорсингни жорий қилиш бўйича таклифлар тайёрлайди ва вазирликка киритади;

сув хўжалиги объектларидан давлат-хусусий шериклик механизми асосида фойдаланиш бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашда ва мониторинг олиб боришда иштирок этади;

сув хўжалиги объектларида сувнинг ҳисоби ва ҳисоботини юритишга рақамли технологияларни жорий қилишни белгиланган тартибда ташкил қилади;

Насос станциялари ва энергетика бошқармаси, Мелиоратив экспедиция, ирригация тизими ва магистрал каналлар бошқармалари, туманлар ирригация бўлимлари ва улар таркибидаги махсус хизмат фаолиятини назорат қилади.

вилоятида сув хавфсизлигини таъминлаш ҳамда сув ресурсларини самарали бошқариш ва фойдаланишни таъминлаш бўйича қисқа, ўрта ва узоқ муддатларга мўлжалланган комплекс тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни ташкил қилади;

сув ресурсларининг ҳавза тамойили ва бутун вертикал бўйлаб самарали бошқариш асосида ҳудудлар ва иқтисодиёт тармоқларини сув билан ишончли ва барқарор таъминлашни амалга оширади;

сув ресурслари прогнозларини комплекс таҳлил қилади ва сув ресурслари балансларини ишлаб чиқади, сув манбалари, ирригация тизимлари, иқтисодиёт тармоқлари, ҳудудлар, сув истеъмолчилари бўйича, ер ости сувлари бўйича эса геология ва минерал ресурслар органлари билан келишилган ҳолда сув олиш лимитларини белгилайди;

сув олиш лимитлари асосида сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тартибининг амалда қўлланилишини таъминлайди;

сунъий сув объектлари сувдан махсус фойдаланиш ва сувни махсус истеъмол қилиш учун белгиланган тартибда рухсатномалар беради ва таклифларни кўриб чиқади, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш,

шунингдек, геология ва минерал ресурслар органларига табиий сув объектлари сувдан махсус фойдаланиш ва сувни махсус истеъмол қилишга рухсатномалар бериш бўйича таклифлар киритади;

корхоналар, иншоотлар ҳамда сув ва сув объектлари ҳолатига таъсир қиладиган бошқа объектларни қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва тиклаш бўйича лойиҳаларни кўриб чиқади ва белгиланган тартибда келишиб олади;

ирригацияни ривожлантириш ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича давлат дастурини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

лойиҳа-қидирув ва илмий-тадқиқот ишларининг ҳамда сув хўжалиги объектларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва тиклаш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларининг идоравий экспертизаси ўтказилишини таъминлайди;

сув хўжалиги объектларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва тиклаш бўйича лойиҳаларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини ҳамда тугатилган ишларни белгиланган тартибда қабул қилишни ташкил этади ва таъминлайди;

сув хўжалиги тизимига кирадиган лойиҳа-қидирув, пудрат, саноат ва бошқа корхона ва ташкилотларнинг фаолиятларини мувофиқлаштиради;

ирригация ва мелиорация тизимлари, йирик гидротехника иншоотлари ва сув омборлари, насос станциялари ҳамда бошқа давлат сув хўжалиги объектларининг ишончли ишлатилишини таъминлайди;

сув хўжалик объектлари, шу жумладан суғориш ва коллектор-дренаж тармоқлари техник ҳолатининг тизимли мониторингини юритади, уларни паспортлаштириш ишларини бажаришда қатнашади ва давлат сув кадастрини тузишда иштирок этади;

суғориладиган ерларнинг гидрогеологик ва мелиоратив ҳолатини, коллектор-дренаж тизимларидан самарали фойдаланиш, уларни техник жиҳатдан соз ҳолатда сақлашни, суғориладиган ерларнинг қулай мелиоратив ҳолати барқарорлигини таъминлашнинг тизимли мониторингини юритади;

сув, энергетика ва бошқа моддий-техник ресурсларни тежаш чораларини кўради;

оммавий ахборот воситалари, шунингдек, анжуманлар, семинарлар, тренинглар ва бошқа тадбирларни ўтказиш орқали сув ресурсларини асраш ва улардан тежамли фойдаланиш бўйича тарғибот ишларини олиб боради;

таълим муассасаларининг ёш авлодни сувдан авайлаб-асраб фойдаланиш руҳида тарбиялаш ва сувдан фойдаланиш маданиятини ошириш бўйича тадбирларида иштирок этади;

замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда сув бўйича оммабоп ресурслар билимлар базасини яратиш ва ривожлантириш бўйича ишларни ташкил қилади;

сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш соҳасида долзарб

муаммоларнинг инновацион илмий-техник ечимларини ишлаб чиқиш ва замонавий техника ва технологияларни фаол равишда жорий этишга қаратилган давлат илмий-техник дастурларини шакллантиришда қатнашади;

сув хўжалиги соҳасида илмий-тадқиқот, лойиҳа-қидирув ва конструкторлик ишларини ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди ва уларга ёрдам кўрсатади;

сув хўжалиги соҳасида илмий-тадқиқот, лойиҳа-қидирув ва конструкторлик ишларининг асосий йўналишларини белгилайди ҳамда шартнома асосида уларнинг бажарилишини ташкил қилади;

замонавий фан-техника ютуқларини ҳамда илғор тажрибаларни қурилиш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва тиклашга, шунингдек, сув хўжалиги тизимини бошқаришнинг инновацион усуллари ва сувни тежайдиган илғор технологияларни жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирларни қабул қилади;

сувни тежайдиган технологияларни ҳудудларнинг тупроқ-иқлим шароитлари, ихтисослашуви ҳамда сув ва бошқа зарур ресурслар билан таъминланганлигидан келиб чиқиб жорий этишни ташкил қилади;

сувни тежайдиган технологиялар жорий қилинган майдонларнинг ҳисобини юритади;

сувни тежайдиган технологияларни қўллаш борасида илмий-техник фаолиятни ривожлантиришга таклиф беради;

сув хўжалиги объектлари бошқарувини рақамли технологиялар асосида автоматлаштиришда қатнашади,

қишлоқ хўжалиги экинларини томчилатиб суғориш тизими ва бошқа сувни тежайдиган суғориш технологияларини ишлаб чиқиш ва жорий этишда қатнашади;

сув хўжалиги соҳасидаги олий таълим муассасалари профессор ва ўқитувчиларининг малакасини оширишни ва талабаларнинг ҳамда касб-хунар коллежлари ўқувчиларининг ўқув-ишлаб чиқариш амалиётини сифатли ўтказиш учун зарур шарт-шароитлар яратади.

2-§. Ҳавза бошқармаси ҳузуридаги Насос станциялари ва энергетика бошқармасининг асосий вазифалари ва функциялари

14. Ҳавза бошқармаси ҳузуридаги Насос станциялари ва энергетика бошқармаси (кейинги ўринларда – насос станциялари ва энергетика бошқармаси)нинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

вазирлик ва Ҳавза бошқармасига юклатилган вазифалар ҳамда функциялар самарали бажарилишини таъминлашда иштирок этиш;

насос станциялари ва энергетика бошқармасига тегишли давлат насос станциялари, суғориш ва мелиоратив кудуқлар, подстанциялар, трансформаторлар, электр узатиш ва алоқа тармоқлари, автотранспорт воситаларини техник соз ҳолатда сақлаш, уларнинг ишончли ишлашини ҳамда

такомиллаштирилишини таъминлаш;

насос станциялари ва суғориш қудуқлари ҳамда мелиоратив насос станциялари ва қудуқларнинг самарали ишлашини таъминлаш;

электр энергияси ва бошқа ресурсларни иқтисод қилувчи замонавий технологияларни жорий қилиш, сарфланган электр энергияси ва етказиб берилган сувларнинг ҳисоби ва ҳисоботини юритиш;

ажратилган маблағлардан, моддий-техника ресурсларидан, техника жиҳозларидан мақсадли ва самарали фойдаланишни таъминлаш;

ўз ваколати доирасида молиявий ҳужжатлар, ойлик, чорақлик ва йиллик электр энергияси ҳисоботлари, техник ҳисоботлар ва бошқа зарур бўлган ҳужжатлар ўз вақтида тайёрланишига ҳамда ҳаққонийлигига жавоб бериш.

15. Насос станциялари ва энергетика бошқармаси ўзига юклатилган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширади:

насос станциялари ва энергетика бошқармасига тегишли насос станциялари, суғориш ва мелиоратив қудуқларни, сув узатиш тармоқларини, подстанцияларни, трансформаторларни, электр узатиш тармоқларини, алоқа ва автотранспорт воситаларини ўз вақтида техник кўриқдан ўтказиш;

туб ва жорий таъмирлаш ишларини белгиланган тартибда амалга оширади;

насос станциялари, суғориш ва мелиоратив қудуқларнинг ажратилган сув олиш ва электр энергияси лимитлари ҳамда ёнилғи-мойлаш материаллари доирасида тегишли шартномалар асосида самарали ишлашини таъминлайди;

сув ва ишлатилган электр энергияси ҳисоби ва ҳисоботини юритади, рақамли технологияни белгиланган тартибда жорий қилади;

ажратилган электр энергияси, ёнилғи-мойлаш материалларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга оширади;

бюджет маблағлари ҳамда хўжалик фаолиятдан тушган маблағлардан белгиланган мақсадларда самарали фойдаланишни таъминлайди ва тегишли статистика ва бухгалтерия ҳисоботини юритади;

насос станциялари, суғориш ва мелиоратив қудуқларни туб ва жорий таъмирлаш ҳамда реконструкция қилиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқишда иштирок этади;

насос станциялари, суғориш ва мелиоратив қудуқларнинг ҳудудий бўлинмалар томонидан белгиланган тартибда тасдиқланган жадваллар асосида самарали ишлашини таъминлайди;

сув хўжалиги ташкилотлари, сув истеъмолчилари ва бошқа шахсларга шартнома асосида сув хўжалиги ҳамда қонунчилик ҳужжатларида ман этилмаган бошқа йўналишлар бўйича хизматлар кўрсатади;

насос станциялари ва энергетика бошқармаси ходимларини белгиланган тартибда махсус кийимлар ва асбоб-ускуналар билан таъминлайди;

кадрлар малакасини ошириш бўйича ўқув дастурларини ишлаб чиқишда иштирок этади, кадрлар малакасини оширишни белгиланган тартибда ташкил қилади, кадрлар захирасини яратиш бўйича олий таълим муассасалари ва профессионал таълим муассасалари билан ҳамкорлик қилади;

насос станциялари, суғориш ва мелиоратив қудуқларидан давлат-хусусий шериклик механизми асосида фойдаланиш бўйича таклифларни тайёрлайди ва ҳудудий бўлинмаларга киритади;

насос станциялари, суғориш ва мелиоратив қудуқлардан давлат-хусусий шериклик механизми асосида фойдаланиш бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашда ва мониторинг олиб боришда иштирок этади.

3-§. Ҳавза бошқармаси хузуридаги Мелиоратив экспедициянинг асосий вазифалари ва функциялари

16. Ҳавза бошқармаси хузуридаги мелиоратив экспедиция (кейинги ўринларда – Мелиоратив экспедиция)нинг асосий вазифалари қуйидагилар ҳисобланади:

вазирлик ва Ҳавза бошқармасига юклатилган вазифалар ва функциялар самарали бажарилишини таъминлашда иштирок этиш;

суғориладиган ерлар мелиоратив ҳолатининг тизимли мониторингини юритиш ва мелиоратив кадастрни ишлаб чиқиш;

тизимдаги коллектор-дренаж тармоқларини техник соз ҳолатда сақлаш ва уларнинг ишончли ишлашини таъминлаш;

ерларнинг мелиоратив ҳолатини мониторинг қилишда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар ва бошқа сув истеъмолчиларга ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича илмий асосланган тавсиялар бериш.

17. Мелиоратив экспедиция ўзига юклатилган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширади:

суғориладиган ерларнинг шўрланиш даражаси ва ер ости сувларининг ҳолати ва сифати бўйича тизимли мониторинг олиб боради, маълумотларни даврий равишда таҳлил қилади;

ирригация тизими каналлари ва коллекторларда сувнинг сифати бўйича мониторинг олиб боради;

суғориладиган ерларнинг мелиоратив кадастрини ҳамда сув ва туз балансларини ишлаб чиқади;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларга ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича илмий асосланган тавсиялар беради ҳамда ижроси бўйича назорат олиб боради;

магистрал, туманлараро ва хўжаликлараро коллекторлар ҳамда коллектор-дренаж тармоқлари, улардаги гидротехник иншоотларнинг техник

ҳолати бўйича мониторинг юритади, уларни таъмирлаш-тиклаш ҳамда реконструкция қилиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқади;

мелиоратив насос станциялари ҳамда вертикал дренаж қудуқларининг иш режимини белгилайди ва ижроси бўйича мониторинг олиб боради;

коллектор-дренаж тармоқлари соҳил бўйи минтақасини муҳофаза қилиш чораларини кўради;

ерларнинг мелиоратив ҳолати, ирригация тизими каналлари ва коллекторлар сувининг ҳолати ва сифатини назорат қилишга рақамли ва геоахборот технологияларини жорий қилади;

махсус хизмат, фермер хўжаликлари, кластерлар ва бошқа сув истеъмолчиларига уларнинг коллектор-дренаж тармоқларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш бўйича тавсиялар беради;

ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича устувор лойиҳаларни аниқлаш ҳамда ҳудудий дастурларни шакллантиришда иштирок этади ва ҳудудий бўлинмаларга таклифлар беради;

коллектор-дренаж тармоқларини қуриш ва реконструкция қилиш ишларининг сифати бўйича мониторинг олиб боради;

суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш соҳасига илм-фан ютуқларини, геоахборот технологиялари бўйича илғор тажрибаларни, шунингдек, инновацион усулларни жорий қилади;

коллектор-дренаж тармоқларидан давлат-хусусий шериклик механизми асосида фойдаланиш бўйича таклифларни тайёрлайди ва ҳудудий бўлинмаларга киритади;

коллектор-дренаж тармоқларидан давлат-хусусий шериклик механизми асосида фойдаланиш бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашда ва мониторинг олиб боришда иштирок этади.

4-§. Ирригация тизими бошқармаларининг асосий вазифалари ва функциялари

18. Ирригация тизими бошқармаларининг асосий вазифалари қуйидагилар ҳисобланади:

вазирликка ва Ҳавза бошқармасига юклатилган вазифалар ва функциялар самарали бажарилишини таъминлашда иштирок этиш;

ирригация тизими каналлари ва улардаги гидротехника иншоотларини техник соҳа ҳолатда сақлаш, улардан фойдаланиш қоидаларига қатъий амал қилиш ҳамда хавфсиз ва ишончли ишлашини таъминлаш;

йирик ирригация тизими каналлари ва улардаги гидротехника иншоотларини бошқаришни замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида автоматлаштириш;

сувнинг ҳисоби ва ҳисоботини юритиш, рақамли технологияларни жорий қилиш, сувнинг ҳисоби бўйича шаффоф тизимни яратиш;

ирригация тизими каналлари ва улардаги гидротехника иншоотларини комплекс модернизациялаш, фан-техника ютуқлари, сувни тежайдиган замонавий технологиялар, илғор маҳаллий ва хорижий тажрибаларни жорий қилиш;

сув ресурсларини бошқариш тамойиллари ва тизимини такомиллаштириш, сувдан тежамли ва оқилона фойдаланишни таъминлаш, ирригация тизими каналлари ва улардаги гидротехника иншоотларини модернизациялаш чораларини кўриш.

19. Ирригация тизими бошқармалари ўзига юклатилган вазифаларга мувофиқ куйидаги функцияларни амалга оширади:

ирригация тизими каналлари ва улардаги гидротехника иншоотларининг техник ҳолатини тизимли равишда ўрганиб боради ва уларни соз ҳолатда сақлайди;

ирригация тизими каналлари ва улардаги гидротехника иншоотларининг улардан фойдаланиш қоидаларига қатъий амал қилган ҳолда хавфсиз ва ишончли ишлашини таъминлайди;

ирригация тизими каналлари ва улардаги гидротехника иншоотларини бошқаришни замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида автоматлаштириш бўйича ҳудудий бўлинмаларга таклифлар беради ҳамда белгиланган тартибда ижросини ташкил қилади;

гидропостларни техник соз ҳолатда сақлайди, уларни такомиллаштириб боради, сувнинг ҳисоби ва ҳисоботини юритади;

сувнинг ҳисоби ва ҳисоботини юритишга рақамли технологияларни жорий қилади, сувнинг ҳисоби бўйича шаффоф тизимни амалга оширади;

сувдан фойдаланиш бўйича тегишли шартномаларни белгиланган тартибда расмийлаштиради, сув ресурсларини ҳудудий бўлинмалар томонидан тасдиқланган сувдан фойдаланиш режалари бўйича туманлар ирригация бўлимлари ва бошқа сувдан фойдаланувчиларга етказиб беради;

ирригация тизими каналларига ўрнатилган насос станцияларини ишлатиш режимларини белгиланган тартибда келишади ҳамда ижросини таъминлайди:

умумий сув ҳўжалиги аҳволини ҳисобга олган ҳолда сувдан фойдаланиш режаларига тузатишлар киритиш бўйича ҳудудий бўлинмаларга таклифлар киритади;

ирригация тизими каналлари ва улардаги гидротехника иншоотларини ва сув ресурсларини оқилона бошқариш учун юридик шахс мақомига эга бўлмаган бўлинмаларни (алоҳида гидроучасткалар, ишлаб чиқариш базалари ва бошқалар) ташкил этади;

ажратилган бюджет маблағлари ва моддий-техника ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлайди.

5-§. Туманлар ирригация бўлимларининг вазифалари ва функциялари

20. Туманлар ирригация бўлимларининг асосий вазифалари куйидагилардан иборат:

вазирликка ва Ҳавза бошқармасига юклатилган вазифалар ва функциялар самарали бажарилишини таъминлашда иштирок этиш;

худудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масаласида комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш секторлари билан ҳамкорлик қилиш;

туман сув хўжалиги тизимини комплекс модернизациялаш, фан-техника ютуқлари, сувни тежайдиган замонавий технологиялар, илғор маҳаллий ва хорижий тажрибани жорий қилишга йўналтирилган ягона сув хўжалиги сиёсатини амалга ошириш;

сув ресурсларини бошқариш тамойиллари ва тизимини такомиллаштириш, улардан тежамли ва оқилона фойдаланишни таъминлаш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сув хўжалиги объектларини модернизация қилиш чораларини кўриш;

туманлар сув хўжалиги объектларидан фойдаланишда давлат-хусусий шериклик механизми ва ауцорсингни жорий қилишда иштирок этиш;

туманлар сув хўжалиги объектларида сувнинг ҳисоби ва ҳисоботини юритишга рақамли технологияларни жорий қилиш.

21. Туманлар ирригация бўлимлари ўзига юклатилган вазифаларга мувофиқ куйидаги функцияларни амалга оширади:

ирригацияни ривожлантириш ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича тармоқ ва худудий дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда қатнашади;

ирригация тизими каналлари ва улардаги гидротехника иншоотларининг техник ҳолатини тизимли равишда ўрганиб боради, уларни соз ҳолатда сақлайди ва ишончли ишлашини таъминлайди;

қишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий этиш ишларини мувофиқлаштиради;

сув ресурсларини интеграциялашган бошқариш ва улардан оқилона фойдаланишни, уларнинг самарадорлигини оширишни, сувдан фойдаланиш ва сув истеъмолининг инновацион технологиялари ва механизмларини жорий этишни таъминлайди;

махсус хизмат фаолиятини кенг тарғиб қилиш сувни бошқариш ва сув хўжалиги объектларидан самарали фойдаланишда кўмаклашади, сув хўжалиги объектларини таъмирлаш-тиклаш ва реконструкция қилиш ишларини мувофиқлаштиради;

махсус хизмат фаолиятини тартибга солиш, сув истеъмоли бўйича

шартномалар тузиш, суғориш тармоқларини сувни бошқариш ва ҳисобга олиш воситалари билан жиҳозлаш ишларига кўмаклашади ва мувофиқлаштиради;

сув истеъмолчиларига илмий асосланган суғориш режимларини, томчилатиб суғориш тизими ва сувни тежайдиган бошқа суғориш технологияларини жорий этишни ташкил қилишга кўмаклашади;

суғориш тармоқларини таъмирлаш ва уларни ривожлантиришни, шунингдек, сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий этишни мувофиқлаштиради;

сув ресурсларидан фойдаланишни таҳлил қилади ва туман бўйича сув олиш лимитларини белгилаш, сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчиларининг сувдан тежаб фойдаланишни рағбатлантириш бўйича ҳудудий бўлинмаларга таклифлар киритади;

туман сув хўжалиги объектлари инфратузилмасини ривожлантириш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича концепциялар, стратегиялар ва комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда уларни амалга оширишда иштирок этади;

ўзаро ҳисоб-китоблар механизмини ва қарздорликларнинг юзага келиш сабабларини чуқур таҳлил қилиш, кўрсатилаётган хизматлар сифатини яхшилаш, махсус хизмат ва сув истеъмолчилари ўртасидаги ўзаро иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширишда иштирок этади;

сув истеъмолчилари ва уларга хизмат кўрсатувчи махсус хизмат ўртасида тузилган шартномалар бажарилиши мониторингини юритади;

туман ирригация бўлими мутахассислари, шу жумладан, махсус хизмат раҳбарлари ва мутахассисларининг малакасини оширишни ташкил қилишга кўмаклашади;

сув хўжалиги соҳасидаги олий таълим ва профессионал таълим муассасалари билан талабалар ва ўқувчиларнинг ўқув-танишиш ҳамда ўқув-ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этишда ҳамкорлик қилади;

туман сув хўжалиги объектларидан давлат-хусусий шериклик механизми асосида фойдаланиш бўйича таклифларни тайёрлайди ва ҳудудий бўлинмаларга киритади;

туман сув хўжалиги объектларидан давлат-хусусий шериклик механизми асосида фойдаланиш бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашда ва мониторинг олиб боришда иштирок этади.

4-боб. Ҳавза бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

1-§. Ҳавза бошқармасининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

22. Ҳавза бошқармаси ўзига юклатилган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Ўз ваколатига кирувчи масалаларни ҳал этиш учун зарур бўладиган маълумотларни идоравий мансуб ташкилотлардан, хўжалик бирлашмалари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларидан белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

Ўз ваколати доирасига кирадиган соҳадаги муҳим муаммоларнинг ечимлари бўйича таклифлар тайёрлаш ва уларни кўриб чиқиш учун белгиланган тартибда идоралараро ишчи гуруҳлар ташкил қилиш;

Ўз ваколати доирасидаги масалалар бўйича вазирликка, хўжалик бирлашмалари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига кўриб чиқиш учун таклифлар киритиш;

сув хўжалиги масалалари бўйича келишиш учун киритилган қонунчилик ҳужжатлари лойиҳалари ва таклифлар бўйича хулосалар бериш;

сув қонунчилигини бузганлиги учун айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш бўйича белгиланган тартибда таклифлар киритиш.

Ҳавза бошқармаси қонунчилик ҳужжатларида кўзда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

23. Ҳавза бошқармаси:

Ўзига юклатилган вазифалар ва функцияларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши;

Ўз фаолияти билан боғлиқ бўлган прогноз кўрсаткичларга эришилиши;

вазирлик ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига киритиладиган қонунчилик ҳужжатлар лойиҳалари ва таклифларнинг сифати;

вазирлик ва маҳаллий ижро этувчи давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинаётган қарорларнинг тегишлича бажарилиши сифати, якуний натижалари ва оқибатлари;

туманларда аниқланган муаммоларни ҳар томонлама ва чуқур таҳлил қилиш ва умумлаштириш асосида ҳудудий бўлинмаларга таклифлар тайёрлаш;

вилоятда сув хўжалигини ривожлантириш ва муаммоли масалаларни ҳал этиш бўйича ҳудудий дастурлар, чора-тадбирлар режалари, “йўл хариталари” ва бошқа дастурий ҳужжатларнинг самарали бажарилиши учун масъулдир.

2-§. Ҳавза бошқармаси ҳузуридаги Насос станциялари ва энергетика бошқармасининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

24. Насос станциялари ва энергетика бошқармаси ўзига юклатилган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Ўз ваколатига кирувчи масалаларни ҳал этиш учун зарур бўлган материалларни Ҳавза бошқармасининг идоравий мансуб ташкилотлари, хўжалик бирлашмалари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларидан белгиланган тартибда сўраб олиш;

Ўз ваколати доирасига кирадиган соҳадаги муҳим муаммоларнинг ечимлари бўйича таклифлар тайёрлаш ва уларни кўриб чиқиш учун белгиланган тартибда идоралараро ишчи гуруҳлар ташкил қилиш;

Ўз ваколати доирасидаги масалалар бўйича Ҳавза бошқармасига кўриб чиқиш учун таклифлар киритиш;

сув хўжалиги масалалари бўйича келишиш учун киритилган қонунчилик ҳужжатлари лойиҳалари ва таклифлар бўйича хулосалар бериш;

Ўз фаолияти учун кундалик зарур бўлган материаллар, асбоб-ускуналар ва жиҳозларни белгиланган тартибда қонунчилик ҳужжатлари талабларига асосан

харид қилиш;

сув қонунчилигини бузганлиги учун айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш бўйича белгиланган тартибда таклифлар киритиш.

Насос станциялари ва энергетика бошқармаси қонунчилик ҳужжатларида кўзда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

25. Насос станциялари ва энергетика бошқармаси:

Ҳавза бошқармаси билан биргаликда уларга юклатилган вазифалар ва функцияларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши;

ўз фаолияти билан боғлиқ бўлган прогноз кўрсаткичларга эришилиши;

вазирлик, Ҳавза бошқармаси ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига киритиладиган таклиф ва ҳужжатлар лойиҳаларининг сифати;

вазирлик ва Ҳавза бошқармаси томонидан қабул қилинган буйруқларнинг тегишлича бажарилиши сифати, якуний натижалари ва оқибатлари;

аниқланган муаммоларни ҳар томонлама ва чуқур таҳлил қилиш ва умумлаштириш асосида сув хўжалигини ривожлантириш тўғрисида таклифлар тайёрлаш;

сув хўжалигини ривожлантириш ва муаммоли масалаларни ҳал этиш бўйича ҳудудий дастурлар, чора-тадбирлар режалари, “йўл хариталари” ва бошқа дастурий ҳужжатларнинг самарали бажарилиши учун масъулдир.

3-§. Ҳавза бошқармаси ҳузуридаги Мелиоратив экспедициянинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

26. Мелиоратив экспедиция ўзларига юклатилган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ўз ваколатига кирувчи масалаларни ҳал этиш учун зарур бўлган материалларни Ҳавза бошқармасининг идоравий мансуб ташкилотлари, хўжалик бирлашмалари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларидан белгиланган тартибда сўраб олиш;

ўз ваколатлари доирасига кирадиган соҳадаги муҳим муаммоларнинг ечимлари бўйича таклифлар тайёрлаш ва уларни кўриб чиқиш учун белгиланган тартибда идоралараро ишчи гуруҳлар ташкил қилиш;

ўз ваколатлари доирасидаги масалалар бўйича ҳудудий бўлинмаларга кўриб чиқиш учун таклифлар киритиш;

суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш масалалари бўйича киритилган қонунчилик ҳужжатлари лойиҳалари ва таклифлар бўйича хулосалар бериш;

суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича устувор лойиҳаларни аниқлаш ва амалга ошириш юзасидан таклифлар киритиш;

ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, коллектор-дренаж тармоқларидан фойдаланиш қоидаларини бузганлиги учун айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш бўйича белгиланган тартибда таклифлар киритиш.

Мелиоратив экспедиция қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

27. Мелиоратив экспедиция:

Ҳавза бошқармаси билан биргаликда юклатилган вазифалар ва функцияларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши;

ўз фаолияти билан боғлиқ бўлган прогноз кўрсаткичларга эришилиши;

Ҳавза бошқармасига киритиладиган таклиф ва ҳужжатлар лойиҳаларининг сифати;

Ҳавза бошқармаси томонидан қабул қилинган буйруқларнинг тегишлича бажарилиши сифати, якуний натижалари ва оқибатлари;

аниқланган муаммоларни ҳар томонлама ва чуқур таҳлил қилиш ва умумлаштириш асосида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тўғрисида таклифлар тайёрлаш;

суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва муаммоли масалаларни ҳал этиш бўйича ҳудудий дастурлар, чора-тадбирлар режалари, “йўл хариталари” ва бошқа дастурий ҳужжатларнинг самарали бажарилиши учун жавобгардир.

4-§. Ирригация тизими бошқармаларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

28. Ирригация тизими бошқармалари ўзларига юклатилган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ўз ваколатига кирувчи масалаларни ҳал этиш учун зарур бўлган материалларни Ҳавза бошқармасининг идоравий мансуб ташкилотлари, хўжалик бирлашмалари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларидан белгиланган тартибда сўраб олиш;

ўз ваколатларига кирадиган масалалар бўйича ҳудудий бўлинмаларга кўриб чиқиш учун таклифлар киритиш;

сув хўжалиги масалалари бўйича киритилган қонунчилик ҳужжатлари лойиҳалари ва таклифларни кўриб чиқиш ва хулосалар бериш;

ирригация тизими каналлари ва улардаги гидротехника иншоотлари ҳамда сувдан фойдаланиш қоидаларини бузганлиги учун айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш бўйича белгиланган тартибда таклифлар киритиш;

фавқулодда ҳолатларда ирригация тизими бошқармасининг хизмат кўрсатиш ҳудудида жойлашган барча сувдан фойдаланувчилар ҳамда бошқа ташкилотларни кутилаётган салбий ҳолатларнинг олдини олиш ва рўй берган ҳодисаларни бартараф этиш учун белгиланган тартибда жалб қилиш.

Ирригация тизими бошқармалари қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

29. Ирригация тизими бошқармалари:

ҳудудий бўлинмалар билан биргаликда уларга юклатилган вазифалар ва функцияларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши;

ўз фаолияти билан боғлиқ бўлган прогноз кўрсаткичларга эришилиши;

ҳудудий бўлинмаларга киритиладиган таклиф ва ҳужжатлар лойиҳаларининг сифати;

ҳудудий бўлинмалар ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинаётган қарорларнинг бажарилиши сифати, якуний натижалари ва оқибатлари;

аниқланган муаммоларни ҳар томонлама ва чуқур таҳлил қилиш ва умумлаштириш асосида сув хўжалигини ривожлантириш тўғрисида таклифлар тайёрлаш;

сув хўжалигини ривожлантириш ва муаммоли масалаларни ҳал этиш бўйича ҳудудий дастурлар, чора-тадбирлар режалари, “йўл хариталари” ва бошқа дастурий ҳужжатларнинг самарали бажарилиши учун жавобгардир.

5-§. Туман ирригация бўлимларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

30. Туман ирригация бўлимлари ўзларига юклатилган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ўз ваколатига кирадиган масалаларни ҳал этиш учун зарур бўладиган

маълумотларни Ҳавза бошқармаси, хўжалик бирлашмалари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимияти органларидан белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

ўз ваколатларига кирадиган масалалар бўйича Ҳавза бошқармасига ва туманлар (шаҳарлар) ҳокимликларига кўриб чиқиш учун таклифлар киритиш;

сув ресурсларидан фойдаланиш ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш масалалари бўйича киритилган қонунчилик ҳужжатлари лойиҳалари ва таклифлар бўйича хулосалар бериш;

ирригация тизими каналлари ва улардаги гидротехника иншоотлари ҳамда сувдан фойдаланиш қоидаларини бузганлиги учун айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш бўйича белгиланган тартибда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ариза киритиш.

Туманлар ирригация бўлимлари қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

31. Туманлар ирригация бўлимлари:

ўзларига юклатилган вазифалар ва функцияларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

ҳудудий бўлинмаларга киритиладиган таклиф ва ҳужжатлар лойиҳаларининг сифати;

ҳудудий бўлинмалар ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг бажарилиши сифати, якуний натижалари ва оқибатлари;

ирригацияни ривожлантириш ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ҳамда туманларнинг (шаҳарларнинг) инфратузилмасини комплекс ривожлантиришга тўсқинлик қиладиган тизимли камчиликларни аниқлаш, туманлар (шаҳарлар) сув хўжалиги инфратузилмасини ривожлантириш дастурига киритиш учун таклифлар тайёрлаш ва киритиш;

туманларда (шаҳарларда) ирригацияни ривожлантириш ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ҳамда муаммоли масалаларни ҳал этиш бўйича дастурлар, чора-тадбирлар режалари, “йўл хариталари” ва бошқа дастурий ҳужжатларни самарали амалга ошириш учун жавобгардир.

5-боб. Ҳавза бошқармаси бошлигининг асосий функционал мажбуриятлари

32. Ҳавза бошқармаси бошлигининг асосий функционал мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, шунингдек, бошқа қонунчилик ҳужжатлари талабларига риоя этиш;

Ҳавза бошқармаси фаолиятининг умумий бошқарувини амалга ошириш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, вазирлик Ҳайъати қарорлари ҳамда вазир буйруқларига мувофиқ Ҳавза бошқармасига юклатилган вазифалар ва функцияларнинг бажарилишини ташкил этиш;

Ҳавза бошқармасининг фаолияти билан боғлиқ прогноз кўрсаткичларга эришилишини сўзсиз таъминлаш бўйича амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

идоравий мансуб ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва топшириқлар, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари фармойишлари ва топшириқларининг бажарилишини таъминлаш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари самарали ва натижали ижро этилиши, шунингдек ижро интизомини мустаҳкамлаш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиларининг, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг комплекслари, давлат ва хўжалик бошқарув органлари ҳамда барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида”ги ПҚ-2881-сонли ва 2021 йил 31 майдаги “Ijro.gov.uz” ижро интизومي идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5132-сонли қарорларига ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12-январдаги “Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 12-сонли қарорига мувофиқ вазирликнинг ҳудудий бўлинмалари ходимларининг ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чораларни амалга ошириш ҳамда топшириқларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаши учун уларнинг шахсий масъулиятини ошириш бўйича чоралар кўриш;

вазирлик Ҳайъатининг қарорлари, вазир, вазирнинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарларининг буйруқ ва топшириқлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг қарор ва фармойишлари ўз вақтида ва сифатли ижро этилишини таъминлаш;

ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масаласида комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш секторлари билан ҳамкорлик қилиш;

ўз ўринбосарлари ваколатларини белгилаш, улар ўртасида хизмат вазифаларини тақсимлаш, идоровий мансуб ташкилотлар мансабдор шахсларининг ваколатларини белгилаш, ўз ўринбосарлари ва бошқа мансабдор шахсларнинг идоровий мансуб ташкилотлар фаолиятининг айрим йўналишлари учун шахсий масъуллик даражасини белгилаш;

Ҳавза бошқармаси фаолиятини режалаштириш, ўз ўринбосарларининг даврлар бўйича иш режаларини тасдиқлаш, уларнинг амалга оширилиши юзасидан назоратни таъминлаш;

Ҳавза бошқармасида ва тизимда кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, уларнинг самарали фаолияти учун зарур шароитлар яратиш, кадрлар захирасини шакллантириш;

Ҳавза бошқармаси ва ҳузуридаги ташкилотларни вазирлик номенклатурасига кирувчи лавозимлари бўш ўринларига маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан тавсия қилинган, шунингдек, ишга қабул қилинаётган бошқа ходимларнинг касбий маҳорати, билим даражаси, амалий тажрибаси ва юқори даражадаги ишчанлик ва ахлоқий-маънавий фазилатлари кафолатланганлигини таъминлаш;

Ҳавза бошқармаси ва ҳузуридаги ташкилотлар раҳбарлари ва ходимларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш бўйича, шу жумладан, уларнинг эгаллаб турган лавозимларида қолишининг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида таклифлар киритиш, уларнинг хизмат вазифалари ва берилган топшириқлар бажарилиши учун шахсий жавобгарлигини ошириш бўйича тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш;

Ҳавза бошқармаси ва ҳузуридаги ташкилотларнинг ходимлари томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 мартдаги 62-сонли қарори билан тасдиқланган Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидалари асосида тасдиқланган вазирлик ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидалари талабларига риоя этилишини таъминлаш;

Ҳавза бошқармаси ва ҳузуридаги ташкилотлар миқёсида Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни талабларига мувофиқ коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича чоралар кўриш, шунингдек, уларнинг юзага келишига шароит яратувчи сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш, таҳлил қилиш, амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш учун таклифлар киритиш йўли билан уларни бартараф қилиш ва уларга қарши курашиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

Ҳавза бошқармаси ва ҳузуридаги ташкилотлар томонидан прогноз кўрсаткичлар сўзсиз бажарилишини мунтазам таҳлил қилиш ва вазирнинг тегишли ўринбосарларига (шу жумладан, биринчи ўринбосарга) ҳудудий бўлинманинг белгиланган кўрсаткичларга сўзсиз эришишини таъминлашга йўналтирилган кўшимча чораларни қабул қилиш бўйича таклифлар киритиш;

Ҳавза бошқармаси ва ҳузуридаги ташкилотлар ходимлари фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини мунтазам равишда танқидий таҳлил қилиш, йиғилишларда уларнинг ҳисоботларини эшитиш, яқунлари бўйича зарур чоралар кўриш;

Ҳавза бошқармаси ва ҳузуридаги ташкилотлар фаолиятига оид масалалар бўйича қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш, шунингдек, давлат хизматлари кўрсатишнинг самарадорлиги, сифати ва улардан фойдаланиш имкониятларининг мавжудлигини яхшилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва уларни вазирлик раҳбариятига кўриб чиқиш учун киритиш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишни Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 31 мартдаги 73-сонли қарори билан тасдиқланган Давлат органлари ва давлат муассасаларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги намунавий низомга мувофиқ олиб бориш, жамоатчилик билан бевосита ва очиқ мулоқот ўрнатиш, уларни шахсан қабул қилишни мунтазам равишда ўтказиш, шу жумладан белгиланган муддатда ва тартибда фуқаролар ва юридик шахслар вакилларининг жойларда қабул қилинишини йўлга қўйиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали ҳамкорлик қилиш ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабрдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4904-сонли Фармонида асосан уларнинг фаолиятида фаол иштирок этиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонаси, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналарига жисмоний ва юридик шахслардан тушган аризаларни ўз вақтида ва тўлиқ кўриб чиқиш;

Ҳавза бошқармаси ходимларига мукофотлар, лавозим маошига кўшимчалар, моддий ёрдам, рағбатлантириш тўловларини тўлаш ва интизомий чоралар қўллаш тўғрисида қарор қабул қилиш, ходимларни давлат мукофотлари ва идоравий

мукофотлар билан тақдирлаш тўғрисида вазирликка таклифлар киритиш;
давлат сирлари ва қонун билан муҳофаза қилинадиган махфий маълумотлар тоифаларига киритилган маълумотлар ҳимоясини таъминлаш.

33. Туман ирригация бўлимлари раҳбарларининг асосий функционал мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

функционал вазифаларни ходимлар ўртасида ва фаолиятнинг алоҳида йўналишлари бўйича тақсимлаш, уларнинг масъуллик даражасини белгилаш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари ва топшириқларининг бажарилишини таъминлаш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари самарали ва натижали ижро этилиши, шунингдек, ижро интизомини мустаҳкамлаш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиларининг, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг комплекслари, давлат ва хўжалик бошқарув органлари ҳамда барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида”ги ПҚ-2881-сонли ва 2021 йил 31 майдаги “Ijro.gov.uz” ижро интизومي идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5132-сонли қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги “Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 12-сонли қарорига асосан туманлар ирригация бўлимлари фаолиятида ижро интизомини мустаҳкамлаш учун комплекс амалий чораларни амалга ошириш, туманлар ирригация бўлимлари ходимларининг топшириқларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаши учун шахсий масъулиятини ошириш бўйича чоралар кўриш;

вазирлик Ҳайъати қарорлари, буйруқлари, вазир ва унинг ўринбосарларининг буйруқ ва топшириқлари, ҳудудий бўлинмаларининг буйруқ ва топшириқлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг қарор ва фармойишларини ўз вақтида ва сифатли ижро этишни таъминлаш;

ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масаласида комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш секторлари билан ҳамкорлик қилиш;

Ҳавза бошқармаси бошлиғига, унинг ўринбосарларига туман ирригация бўлимида кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш бўйича таклифлар киритиш, уларнинг касбий маҳорати, билим даражаси, амалий тажрибаси ва юқори даражадаги ишчанлик ва ахлоқий-маънавий фазилатлари кафолатланганлигини таъминлаш ҳамда уларнинг касбий малакасини ошириш бўйича чоралар кўриш, туманлар ирригация бўлимларида кадрлар захирасини шакллантириш;

туман ирригация бўлими ходимлари томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 мартдаги 62-сонли қарори билан тасдиқланган Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидалари асосида тасдиқланган вазирлик ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидалари талабларига риоя этилишини таъминлаш;

туман ирригация бўлимларида Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни талабларига мувофиқ коррупция ва бошқа қонунбузарликларнинг олдини олиш бўйича чоралар кўриш, шунингдек, уларнинг юзага келишига шароит яратувчи сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш, таҳлил қилиш, амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш учун таклифлар киритиш йўли

билан уларни бартараф қилиш ва уларга қарши курашиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

туман ирригация бўлимлари ходимларига мукофотлар, лавозим маошига қўшимчалар, моддий ёрдам, рағбатлантириш тўловларини тўлаш ва интизомий чоралар қўллаш, уларни давлат мукофотлари ва идоравий мукофотлар билан тақдирлаш тўғрисида ҳудудий бўлинмаларга таклифлар киритиш;

давлат сирлари ва қонун билан муҳофаза қилинадиган махфий маълумотлар тоифаларига киритилган маълумотлар ҳимоясини таъминлаш.

6-боб. Ҳавза бошқармаси бошлиғининг масъулияти

34. Ҳавза бошқармаси бошлиғи қуйидагилар учун шахсан масъулдир:

бошқармага юклатилган вазифалар ва функциялар;

бошқарма масъул бўлган мазкур Низомнинг 22-бандида кўрсатилган вазифалар;

мазкур Низомнинг 32-бандида кўрсатилган ўзларининг функционал мажбуриятларининг сифатли бажарилиши учун.

35. Туманлар ирригация бўлимлари раҳбарлари қуйидагилар учун шахсан масъулдирлар:

туманлар ирригация бўлимларига юклатилган вазифалар ва функциялар;

туманлар ирригация бўлимлари масъул бўлган мазкур Низомнинг 20-бандида кўрсатилган вазифалар;

мазкур Низомнинг 33-бандида кўрсатилган ўзларининг функционал вазифалари сифатли бажарилиши учун.

7-боб. Ҳавза бошқармаси фаолиятини ташкил этиш

1-§. Ҳавза бошқармаси раҳбарияти

36. Ҳавза бошқармасига вилоят ҳокими билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазири томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган бошлиқ раҳбарлик қилади.

37. Ҳавза бошқармаси бошлиғининг икки нафар ўринбосари бўлиб, уларнинг биттаси бошлиқнинг биринчи ўринбосари ҳисобланади.

38. Бошлиқнинг ўринбосарлари, ирригация тизими бошқармалари бошлиқлари, Насос станциялари ва энергетика бошқармаси бошлиғи, Мелиоратив экспедиция бошлиғи вилоят ҳокимлиги билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазири томонидан лавозимларига тайинланадилар ва лавозимларидан озод қилинадилар.

39. Бошлиқ вақтинчалик бўлмаган ҳолларда унинг ваколатларини бажариш бошлиқ ўринбосарларига мажбуриятларни тақсимлаш асосида амалга оширилади.

40. Ҳавза бошқармаси бошлиғи томонидан қуйидаги ходимлар лавозимларга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади:

Ҳавза бошқармаси бошлиғининг тегишли ўринбосарининг таклифига кўра бошқарма марказий аппарати таркибий бўлинмаларининг раҳбарлари ва ходимлари;

тегишли туманлар ҳокимлари ва вазирлик билан келишилган ҳолда туманлар ирригация бўлимлари бошлиқлари.

41. Ҳавза бошқармасининг тегишли идоравий мансуб ташкилотлари Низомлари белгиланган тартибда Ҳавза бошқармаси томонидан тасдиқланади.

2-§. Ҳавза бошқармаси марказий аппарати таркибий бўлинмаларининг бошқарманинг ҳудудий бўлинмалари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш тартиби

42. Ҳавза бошқармаси марказий аппарати бўлинмаларининг ҳудудий бўлимлари ва идоравий мансуб ташкилотлари билан ҳамкорлигини бошқарма марказий аппарати таркибий бўлинмалари раҳбарлари амалга оширадilar.

43. Ҳавза бошқармаси марказий аппарати таркибий бўлинмалари ҳудудий бўлинмалар билан Ҳавза бошқармаси фаолиятининг йўналишлари бўйича ҳамкорлик қилади:

ҳудудий бўлинмаларга ва идоравий мансуб ташкилотларга топшириқларни етказди ва уларнинг бажарилишини назорат қилади;

таркибий бўлинмалар ҳамда махсус хизмат фаолиятига бевосита тааллуқли масалалар бўйича Ҳавза бошқармасининг ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотларига расмий сўровномалар жўнатади ва уларнинг бажарилишини назорат қилади;

Ҳавза бошқармасининг ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотларининг иш режаларини таҳлил қилади, улар фаолиятини режалаштиришни такомиллаштириш чораларини кўради;

Ҳавза бошқармасининг ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлари фаолиятини ташкил қилиш самарадорлиги ва натижалари тўғрисидаги статистик ва бошқа маълумотларни, ҳисобот ва ахборот материалларини ўрганишни ташкиллаштиради;

Ҳавза бошқармасининг ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлари амалий фаолиятини текширади, ўрганиб чиқади ва умумлаштиради, уни такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади;

Ҳавза бошқармасининг ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотларидан келиб тушган таклифларни кўриб чиқади;

Ҳавза бошқармасининг ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашда қатнашишини уюштиради, қонунчиликни такомиллаштириш бўйича улардан келиб тушган таклифларни кўриб чиқади ва орнатилган тартибда вазирликка тақдим этади.

44. Ҳавза бошқармасининг идоравий мансуб ташкилотлари Ҳавза бошқармаси марказий аппарати таркибий бўлинмалари билан ўзаро ҳамкорлик қилади, шу жумладан:

Ҳавза бошқармаси раҳбарияти топшириқларининг бажарилиши тўғрисида ахборот беради;

Ҳавза бошқармаси марказий аппаратига сув ҳўжалиги соҳасидаги қонун ҳужжатларини бажариш бўйича иш фаолияти натижалари тўғрисида маълумот тақдим этади;

уларнинг фаолиятини текшириш ва ўрганиш давомида аниқланган иш фаолиятидаги камчиликлар ва қоида бузилишларини бартараф этиш натижалари тўғрисида ахборот беради;

ўзининг фаолияти натижалари тўғрисида белгиланган тартибда ва муддатларда Ҳавза бошқармасининг марказий аппаратига ҳисобот беради;

Ҳавза бошқармаси марказий аппаратида ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш муаммоларини, шу жумладан, аҳолининг долзарб муаммоларини ҳал қилишга қаратилган таклифларни тақдим этади;

ваколатли органлар томонидан ўзининг фаолиятини текшириш натижалари тўғрисида ахборот беради.

45. Ҳавза бошқармаси марказий аппарати таркибий тузилмалари ва унинг ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотларининг ўзаро муносабатлари жараёнида вужудга келган келишмовчиликлар бошлиқнинг топшириғига кўра, тегишли ўринбосар томонидан кўриб чиқилади. Агар келишмовчиликлар кўриб чиқилгандан сўнг ҳам бартараф этилмаган бўлса, улар бўйича қарор бевосита бошлиқ томонидан қабул қилинади.

3-§. Ҳавза бошқармасининг давлат ва хўжалик бошқарувининг бошқа органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиши тартиби

46. Ҳавза бошқармаси ўзининг вазифа ва функцияларини бажаришда давлат ва хўжалик бошқарувининг бошқа органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

47. Ҳавза бошқармасининг ҳудудий бўлинмалари ўзларининг ваколатлари доирасида давлат ва хўжалик бошқарувининг бошқа органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

Ҳавза бошқармасининг ҳудудий бўлинмалари тегишли ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича “йўл хариталари”ни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш секторлари билан ўзаро узвий ҳамкорлик қилади.

48. Ҳавза бошқармасининг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги томонидан назорат қилинади.

8-боб. Ҳавза бошқармаси фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш мезонлари ва иш индикаторлари

49. Ҳавза бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш мезонлари ҳамда иш индикаторлари Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги томонидан белгиланади.

50. Ҳавза бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари фаолиятининг самарадорлиги, натижадорлигини баҳолаш натижалари якунлари бўйича бошқарманинг раҳбар-ҳодимларини рағбатлантириш (мукофотлаш) ёки интизомий жавобгарликка тортиш, бошқарма фаолиятида аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва унинг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари кўрилади.

9-боб. Ҳавза бошқармаси фаолиятини молиялаштириш ва моддий-техника таъминоти, ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш

51. Ҳавза бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари (махсус хизматдан ташқари) бюджетдан ажратилган маблағлар ва қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига молиялаштирилади.

Бунда иш ҳақи, мукофотлар ва ойлик иш ҳақи миқдоридаги моддий ёрдам тўловлари, шунингдек, бошқа харажатлар бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

52. Ҳавза бошқармаси ходимларининг лавозим иш ҳақиға ходимларнинг узоқ йиллик хизматлари асосида ҳар ойлик устама ва моддий рағбатлантириш тўловлари Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги томонидан

тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ва унинг таркибига кирувчи ташкилотлар ходимларини моддий рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги Низомга мувофиқ амалга оширилади.

10-боб. Ҳавза бошқармасининг Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги олдидаги ҳисоботи

53. Ҳавза бошқармаси раҳбарияти бошқарма фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш мезонлари ҳамда ишчи индикаторлари ижроси юзасидан Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигига шахсан жавоб беради ҳамда ҳисобот беради.

54. Ҳавза бошқармаси фаолиятининг мониторинги ва баҳолаш натижаларига кўра бошқарманинг алоҳида намуна кўрсатган мансабдор шахслари ва ходимларига нисбатан уларни рағбатлантириш ёки жиддий камчиликларга йўл қўйганлиги учун жавобгарликка тортиш, эгаллаб турган лавозимидан озод этиш каби чоралар кўрилади.

11-боб. Якуний қоида

55. Ҳавза бошқармасини қайта ташкил этиш ва тугатиш қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.